

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

“ФАРМАЦИЯДА ТАЪЛИМ, ФАН
ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ
ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ”

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН
МАТЕРИАЛЛАРИ

МАТЕРИАЛЫ
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ

“АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ
ОБРАЗОВАНИЯ, НАУКИ
И ПРОИЗВОДСТВА В ФАРМАЦИИ”

Таҳрир ҳайъати:

Раис: Юнусхўжаев АН.

Аъзолар: Шабилолов А.А.
Аминов С.Н.
Расулова С.А.
Файзуллаева Н.С.

“САЛАС” гелини турғунлигини ўрганиш

Б.М.Дониёров, Х.М.Юнусова, З.Х.Зуфарова

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси

Ишнинг мақсади: ностероид яллиғланишга қарши воситалар (НЯҚВ) тиббиёт амалиётида кенг ишлатиладиган дори препаратлари гуруҳига кирувчи дорилар ҳисобланади. Яллиғланиш касаллиги турлари бугунги кунда кўп учрайди ва шулар асосида дори турлари ҳам касаллик белгиларидан келиб чиқиб танланади ва маҳаллий таъсир кўрсатувчи дори препаратларидан юмшоқ дори турларининг кенг қўлланилиши ҳам мақсадга мувофиқ даволаш курсини ўтишини эътиборга олиб доривор ўсимликлар асосида олинадиган дори воситаларидан самарадорлиги юқори, сифатли, турғун, арзон дори препаратларини яратиш ушбу илмий ишнинг мақсади қилиб олинди. Янги дори препаратлари яратишда унинг биосамарадорлигига тўла ўз таъсирини ўтказувчи хусусиятлардан бири дори препаратларини турғунлигини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этиб, ушбу илмий илмий ишда маҳаллий дори воситаси ГЛАС асосида олинадиган “САЛАС” гелининг турғунлиги ўрганилган илмий тадқиқотлар натижалари келтирилди.

Усуллар: “САЛАС” гелининг турғунлигини ўрганишда табиий ва “тезлаш-тирилган” усулларидан фойдаланилди. тажриба объекти бўлиб “САЛАС” гелининг лаборатория шароитида тайёрланган 5 та серияси олинди.

“САЛАС” гелини маълум муддат ичида турғунлиги ташқи кўриниши, рН муҳити, микробиологик тозаллиги, коллоид турғунлиги, дори моддасининг бир хилда тарқалганлиги, каби кўрсаткичлар бўйича баҳоланди. Гелнинг ташқи кўриниши қуролланмаган кўзда кузатилди. рН муҳитининг ўзгариши ҳолати Х1 ДФ келтирилган усулда ва рН-150МА ускунасида потенциометрик усулда ўрганилди. Микробиологик тозаллиги Х ДФ сида келтирилган усулда ўрганилди. Гелнинг коллоид турғунлиги дақиқасига 1500 ай/тез га қўйиб центрифугалаш йўли билан ўрганилди. Биофаол модданинг асосда бир хилда тарқалганлиги Х1 ДФ сида келтирилган талаблар асосида ўрганилди. Натижалар: олиб борилган илмий тадқиқотларда маълум муддат сақланганда гелнинг ташқи кўриниши ўзгармади. Таркибнинг бир хиллиги, бошқа ҳиднинг ва рангнинг йўқлиги кузатилди. Тажриба вақтида рН муҳитнинг 5,6 дан 6,5 гача бўлганлиги ва бу кўрсаткичнинг талаб даражасида эканлиги, унинг микробиологик тозаллиги рухсат этилган талаблар даражасида эканлиги ва тавсия этилаётган таркиб бўйича олинган “САЛАС” гелининг коллоид турғунлиги тажрибалар асосида кузатилди.

Хулосалар: кўп қиррали олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида юқоридаги кўрсаткичлар талаб даражасида эканлиги кузатилди. Бу эса ўз навбатида танланган таркиб ва технологик жараён тўғрилигини тасдиқлади. ва “САЛАС” гели турғунлиги табиий шароитда 2 йил ва тезлаштирилган шароитда 3 йил деб белгиланди. Тадқиқотлар давом этмоқда.